


III. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2019 йил январь-март ойларида республика корхоналари томонидан 67,4 трлн. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, sanoat ишлаб чиқариш индекси 106,8 % ни ташкил этди.

Жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) sanoatида ишлаб чиқариш ҳажмининг 7,6 % га (жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига кўшган ҳиссаси 5,4 ф.п.), тоғ-кон sanoati ва очик конларни ишлашнинг – 4,8 % га (0,9 ф.п.), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг – 5,1 % га (0,4 ф.п.) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 9,4 % га (0,1 ф.п.) ўсиши ҳисобланади.

Январь-март ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича sanoat ишлаб чиқариш таркиби
(жами sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан %)



Тоғ-кон sanoati ва очик конларни ишлаш

Тоғ- кон sanoati ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 2019 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 9,0 трлн. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотлари ҳажмининг 13,4 % ни ташкил этди.

Тоғ-кон sanoatида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича табиий газ қазиб олиш ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан – 4,1 % га, шағал – 2,0 м. ошганлигини, шу билан бирга кўмир қазиб олиш – 25,6 % га, нефть – 6,4 % га, газ конденсати – 2,0 % га, чақик тош – 33,1 % га камайганлигини кузатиш мумкин.

**Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлашда йирик саноат корхоналари
томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат махсулотларини ишлаб
чиқариш (2019 йил январь-март ойлари учун)**


	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2019 йил январь- март</i>	<i>2018 йил январь-март ойига нисбатан, % да</i>
Нефть	<i>минг. т</i>	174,7	93,6
Газ конденсати	<i>минг. т</i>	523,7	98,0
Табиий газ	<i>млн. куб. м</i>	15310,3	104,1
Кўмир	<i>минг. т</i>	809,0	74,4
Шағал	<i>минг. т</i>	129,1	2,0 м.
Чақик тош	<i>минг. т</i>	160,3	66,9


Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)

2019 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар ҳажми 52,4 трлн. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат махсулотлари ҳажмининг 77,8 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 1,2 % ни (2018 йил январь-март ойларида – 1,4 %), ўрта-юқори технологияли – 26,9 % (26,6 %), ўрта-қуйи технологияли – 38,1 % (33,7 %) ва қуйи технологияли – 33,8 % (38,3 %) ни ташкил этди.

**Январь-март ойларида ишлаб чиқаришнинг
технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да**





Жами саноат таркибида машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш соҳаси – 17,3 % (2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ўсиш 23,0 %), металлургия саноатининг улуши – 18,7 % (5,9 %), тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 13,2 % (2,7 %), озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 11,0 % (7,9 %), кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш – 7,7 % (1,5 %) ни ташкил этди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш саноатида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда юк автомобиллари – 2,7 мартага, енгил автомобиллар – 1,5 мартага, автомобил двигателлари – 1,6 мартага, автобуслар – 2,9 мартага, юргизувчи ғилдираклар, уларнинг қисмлари ва жиҳозлари – 1,6 мартага, радиаторлар, шовқин сўндиргичлар ва чиқариш қувурлари, уловчи механизмлар, рул чамбараклари, рул колонкаси ва рул механизмларининг қартерлари ва уларнинг қисмлари – 1,6 мартага ошди.

Технологик жиҳозларни капитал таъмирлаш ишлари кимё корхонлари ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳажмини ошириш имконини бериб, калий хлорид (2018 йил январь-март ойларига нисбатан 113,7), карбамид (121,6 %), аммоний сульфат (130,4 %) аммоний нитрат (120,2 %), акрил ва винилполимерлари асосидаги бўёқ ва лаклар (122,4 %), гербицидлар (119,0 %), каучук сода (177,1 %), бошқа азотли ўғитлар ва уларнинг аралашмалари (197,6 %), азот, фосфор ва калийли минерал ўғитлар (164,5 %) ни ташкил этди.

**Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан
натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2019 йил январь-март ойлари учун)**

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2019 йил январь- март</i>	<i>2018 йил январь- март ойига нисбатан, % да</i>
Енгил автомобиллар	<i>дона</i>	59 505	151,4
«Дамас»	<i>дона</i>	10 353	148,9
«Нексия»	<i>дона</i>	15 683	137,6
«Джентра»	<i>дона</i>	10 442	2,0 м.
«Спарк»	<i>дона</i>	4 760	102,3
«Малибу»	<i>дона</i>	2 286	4,6 м.
«Кобальт»	<i>дона</i>	12 836	2,3 м.
«Трекер»	<i>дона</i>	1 154	-
«Каптив»	<i>дона</i>	6	0,5
Поршенли двигателларни ишга тушириш учун кўрғошинли аккумуляторлар	<i>минг дона</i>	195,0	101,2
Юк автомобиллари	<i>дона</i>	1 323	2,7 м.
Автобуслар	<i>дона</i>	398	2,9 м.
Тракторлар	<i>дона</i>	101	23,4
Автомобил двигателлари	<i>минг дона</i>	48,5	159,6
Пахта толаси	<i>минг. т</i>	258,0	70,6
Маргарин ва спредлар	<i>т</i>	1 252,0	97,2
Қуюлтирилмаган ва шакар кўшилмаган, ёғлилиги 6%дан юқори сут ва қаймоқ	<i>т</i>	105,0	63,5
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	<i>минг т</i>	366,5	103,0
Узоқ сақланмайдиган бошқа нон маҳсулотлари	<i>т</i>	132,2	98,9
Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар	<i>т</i>	2 188,2	66,2
Пиво	<i>минг литр</i>	28 289,3	96,2

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2019 йил январь- март</i>	<i>2018 йил январь- март ойига нисбатан, % да</i>
Ўсимлик ёғи (тозаланган)	<i>минг. т</i>	55,8	82,0
Тамаки маҳсулотлари	<i>млн.дона</i>	2346	98,0
Автомобил бензини	<i>минг. т</i>	244,8	79,0
Дизел ёқилғиси	<i>минг. т</i>	267,4	91,8
Портландцемент	<i>минг. т</i>	1 999,8	115,9
Цементли клинкерлар	<i>минг. т</i>	1 332,1	96,4
Ип калава	<i>минг. т</i>	47,1	94,7
Таркибида массаси бўйича 85 % ёки ундан ортиқ пахта толаси бўлган ип газламалари	<i>минг.кв.м</i>	17 580,0	119,2
Акрил ва винил полимерлари асосидаги бўёқлар ва лаклар	<i>минг. т</i>	3,0	122,4

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 5,4 трлн. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 8,0 % ни) ташкил этди.

2019 йилнинг январь-март ойларида саноатнинг мазкур тармоғида электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш ҳамда буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тизими ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,5 % га ошганлиги кузатилди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 569,7 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,8 % ни) ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан таркибида алюминий бўлган иккиламчи хом-ашёси – 2,4 мартага, таркибида мис бўлган иккиламчи хом-ашёси – 3,6 мартага, ахлат ўраларни, тиндиргичларни ва септикларни бўшатиш, тозадаш ва ишлов бериш бўйича хизматлар – 2,1 мартага, сувга ишлов бериш ва сув қувурлари бўйича тақсимлаш хизматлари – 19,5 % га, оқава сувларни ёқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар – 54,2 % га, хавфли бўлмаган чиқиндиларни йиғиш хизматлари – 66,7 % га ошганлиги кузатилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат
маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2019 йил январь-март ойлари учун)**

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>2018 йил январь-март ойига нисбатан, % да</i>
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш - жами	67 421,9	106,8
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	9 039,3	104,8
улардан:		
кўмир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб чиқариш	7 574,2	105,7
металл рудаларини қазиб олиш	1 147,9	102,7
тоғ-кон саноатининг бошқа фаолият турлари	179,9	101,1
Қайта ишлаш саноати (ишлаб чиқарадиган саноат)	52 444,2	107,6
улардан:		
озик-овқат, ичимликлар, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	7 443,0	107,9
тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	8 912,5	102,7
машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмларни ишлаб чиқариш	11 640,5	123,0
ёғоч ва пўкак буюмлар, похол ва тўқиш учун материаллар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебель ишлаб чиқариш	847,1	103,9
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	300,1	110,6
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш	2 391,0	86,1

	Млрд. сўм	2018 йил январь-март ойига нисбатан, % да
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш	5 207,2	101,5
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	425,5	114,5
бошқа нометалл минерал маҳсулотларни ишлаб чиқариш	2 447,5	109,4
металлургия саноати	12 591,4	105,9
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	5 368,7	105,1
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	569,7	109,4

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан (118,3 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 28,5 % ни ташкил этди.


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш улуши ва ўсиш суръатлари (2019 йил январь-март ойлари учун)



2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улуши 66,8 % дан 2019 йил январь-март ойларида 69,0 % га ошиши кузатилмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида шароб ва ароқ маҳсулотлари ва пиво 7,7 % ни (2018 йил январь-март ойларида 9,3 %) ташкил этди.


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да (январь-март ойлари учун)



Ҳудудларнинг саноат ишлаб чиқариши


Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Андижон (2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 119,2 % га), Самарқанд (117,0 %), Хоразм (108,8 % га), Тошкент (108,2 % га) ва Фарғона (105,5 % га) вилоятларида сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши таъминланди.

Ҳудудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари (2019 йил январь-март ойлари учун) (ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)



Республика саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Тошкент вилояти (республика саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 15,9 % улушини), Тошкент шаҳри (14,6 %), Навоий (14,0 %), Андижон (10,6 %), Қашқадарё (6,8 %) ва Фарғона (6,1 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Худудларнинг республика жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши
(2019 йил январь-март ойлари учун)



Шу билан бирга энг кам улуш Сурхондарё (1,1 %), Жиззах (1,4 %), Сирдарё (2,5 %), Наманган (2,2 %) ва Хоразм (2,7 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари
ишлаб чиқариш ҳажми

	Саноат маҳсулотлари, млрд. сўмда ¹⁾	2018 йил январь-март ойига нисбатан, % да	Истеъмол товарлари, млрд. сўмда ¹⁾	2018 йил январь-март ойига нисбатан, % да
Ўзбекистон				
Республикаси	67 421,9	106,8	19 214,6	118,3
Қорақалпоғистон				
Республикаси	2 899,7	95,7	414,7	108,5


вилоятлар:

¹⁾ Худудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда

	<i>Саноат маҳсулотлари, млрд. сўмда ¹⁾</i>	<i>2018 йил январь-март ойига нисбатан, % да</i>	<i>Истеъмол товарлари, млрд. сўмда ¹⁾</i>	<i>2018 йил январь-март ойига нисбатан, % да</i>
Андижон	7 153,9	119,2	5 611,3	154,3
Бухоро	3 441,1	101,7	941,8	102,4
Жиззах	942,9	98,3	365,4	98,2
Қашқадарё	4 558,4	94,2	653,0	103,3
Навоий	9 413,0	100,1	566,6	101,8
Наманган	1493,7	105,7	788,6	105,3
Самарқанд	3 088,5	117,0	1 582,1	102,1
Сурхондарё	757,4	87,9	294,4	109,2
Сирдарё	1 673,4	100,5	463,0	112,9
Тошкент	10 746,2	108,2	1 538,6	98,2
Фарғона	4 143,9	105,5	1 073,6	109,0
Хоразм	1 824,4	108,8	1 037,8	118,9
Тошкент ш.	9 863,6	102,5	3 532,9	106,1

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Навоий вилоятида (9594,3 минг сўм), Тошкент шаҳрида (3919,7 минг сўм), Тошкент (3702,0 минг сўм) ва Андижон (2328,7 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражаси кўрсаткичидан (2023,7 минг сўм) анча юқорилигини кўрсатмоқда.

2019-йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истемол молларининг ўсиши, 2018-йил январь март ойларига нисбатан %



Худудлар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Андижон (2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 117,0 % га), Самарқанд (114,6 %), Хоразм (107,0 % га) ва Тошкент (106,8 %) вилоятларида кузатилди. Шу билан бирга, Сурхондарё (86,0 %), Қашқадарё (92,3 %), Жиззах (96,3%), Навоий (98,4 %), Сирдарё (98,8 %) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (94,3 %) ўсишнинг паст суръатлари кузатилди.


Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7,4 % га ошишини таъминлади ва ишлаб чиқариш ҳажми 18,4 трлн. сўмни, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 27,3 % ни ташкил этмоқда.

Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Тошкент шаҳрида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 68,3 %), Наманган (63,3 %), Жиззах (50,5 %), Сурхондарё (45,5 %), Самарқанд (43,1 %), Фарғона (34,3 %) ва Сирдарё (34,0 %) вилоятларида кузатилди.

Шу билан бирга, энг кичкина улуш Навоий вилоятида (9,9 %), Қашқадарё (15,1 %), Андижон (17,2 %), Тошкент (17,8 %) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (16,9 %) кузатилди.

**Худудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари
ишлаб чиқаришдаги улуши, % да
(2019 йил январь-мартда)**



Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши

Республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида киритилган 447 та лойиҳа бўйича 3,3 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, 108,8 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди ва 1071 та янги иш ўринлари яратилди.

2019 йилнинг январь-март ойларида ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда янги ташкил этилган иш ўринлари сони 2,7 мартага ошди. Шу билан бирга 2018 йил январь-март ойларига нисбатан маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми пасайиши кузатилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари

	2018 йил	2019 йил
Лойиҳалар сони, <i>бирлик</i>	619	447
Корхоналар сони, <i>бирлик</i>	262	184
Ишлаб чиқариш ҳажми, <i>млрд. сўм</i>	4 563,3	3 294,8
Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, <i>млн. АҚШ долл.</i>	135,0	108,8
Яратилган янги иш ўринлари, <i>бирлик</i>	399	1 071

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 24,6 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ўтган йилнинг шу даврида қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 37,8 % ни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 36,5 % гача пасайди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг sanoatning умумий ҳажмидаги улуши




Кўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий ҳажмида тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналарининг улуши 22,1 %, ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари улуши 77,8 % ни ташкил этди

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

Бугунги кунда республикада 62,4 мингдан ортиқ саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 14075 корхона (жами фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 22,6 %) – Тошкент шаҳрига, 6869 корхона (11,0 %) – Фарғона, 6328 корхона (10,1 %) – Тошкент вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Фаолият юритаётган саноат корхоналари сони, бирлик
(2019 йил 1 апрель ҳолатига)



Янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик
(2019 йил январь-март)



Жорий йилнинг январь-март ойларида республикада 6455 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан қарийиб 52,4 % Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларига тўғри келади.